

## ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ, КРЕАТИВЛИГИ ВА КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА БОШҚАРУВ САНЪАТИ

**Муқимов Байрамали Рахимович**

*“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва  
агротехнологиялар институти доценти*

**Аннотация:** Педагогнинг ўқув – тарбия жараёни самарадорлигини оширишдаги касбий компетентлиги - педагогик билимлар; психологик билимлар; мутахассислик билимлари; дидактик малакалар; тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари; руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар; ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** компетентлик, касбий компетентлик, касбий компетентлик сифатлари, педагогик касбий компетентлик, Индивидуал ривожлантириш дастури, педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогнинг ўз устида ишлаши, педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари, ўз-ўзини баҳолаш.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизатсия қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. “Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шунинг билан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Педагог фаолиятини ташкил этишдаги муаммолар:

- педагогларнинг педагогик-психологик билимдонлигидаги бўшлиқлар;
- педагогларнинг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигининг сустлиги;
- жамоадаги носоғлом психологик муҳитнинг мавжудлиги;
- жамоа аъзоларининг глобаллашув даврига мослаша олмаётганлиги;
- педагогларнинг ўз устида мунтазам ишламаслиги;

- педагогларнинг бошқарув санъатини эгаллашдаги сусткашлиги.

Компетентлик – билимдонлик, касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш. Ўз соҳасини, ишининг устаси бўлиш, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш.

Компетентлик ва креативлик тушунчалари: Компетентлик (лот. competence - муносиб, лойиқ) – бу мутахассиснинг шахсий қобилияти бўлиб, бир қатор касбий вазифаларни еча олади. Шунингдек, компетенция тушунчасида шахснинг расмий талаблари, касбий ва ташкилот аъзосининг бошқа сифатлари ҳам тушунилади. “Компетентлик – билимдонлик, касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш. Ўз соҳасини, ишининг устаси бўлиш, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш демакдир”.

Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди.

Педагог компетенцияси 3 га бўлинади: стандарт компетенция, асосий компетенция, етакчи компетенция.

Стандарт компетенция - фаолиятга оид доимий ва одатий вазифаларни бажариш қобилияти.

Асосий компетенция - ушбу фаолиятга оид инновацион вазифаларни бажариш қобилияти.

Етакчи компетенция - касб фаолиятининг янги турларини ярата олиш қобилияти.

Касбий компетентликка таъсир этувчи омиллар қуйидагилардир:

- ўз билимларини изчил бойитиб бориш;
- янги ахборотларни ўзлаштириш;
- давр талабларини чуқур англаш;
- янги билимларни излаб топиш.

Касбий компетенциянинг шаклланиш босқичлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўз-ўзини таҳлил қилиш ва зарур нарсаларни англаш;
- ўзини ривожлантиришни режалаштириш мақсад, вазифа белгилаш;
- ўзини намоён этиш ва камчиликларини тузатиш.

---

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ишмухамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари ўқитувчи ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.
2. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар / – Т.: “Молия иқтисод” нашриёти, 2009.
3. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари / - Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
4. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари / - Т.: 2009.
5. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат / –Т.: ТДПУ, 2005
6. Исмаилова З. Педагогика. Дарслик. -Т. Молия, 2010.
7. Исмаилова З. ва бошқ. Педагогика. Психология. Ўқув қўлланма. Т. Молия, 2018.
8. Б.Д. Эльконин “ Понятие компетентности с позиции развивающего обучения”. 2002г.